

# ХОТИРА ХАЛҚНИ БИРЛАШТИРАДИ

## «СЕН ҲАМИША ҚАЛБИМДАСАН, ЖИГАРИМ!»

Хотира — миллатнинг бебаҳо маънавий бойлиги, қалб мулки. Хотира — авлодлар давомийлигининг, ҳавт абадийлигининг кафолати. Хотира — бу тарих, бу абадиёт-дир. У бўлмаган жойда келажак ҳам бўлмайди.

Бинобарин, мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз Ислому Каримов ташаббуслари билан 9 майнинг «Хотира ва қадрлаш куни» деб белгилаштирилган тарихий аҳамият касб этади. Мамлакатимиз пойтахтининг қоқ марказида муаззам ва мухташам «Хотира майдони» барпо қилиниши — рамзий маънода тарихий адолатнинг тантанаси, ҳақ жойига қарор топиши демакдир. Зеро, Ватан учун, халқу миллат учун жон фидо этганлар номи шу Ватаннинг айна қўқисиди, шу халқ қалбининг энг тўрида бўлмоғи керак.

«Хотира майдонида қандам босадиган одамларнинг кўнглидан қандай ҳис-туйғулар кечади билмайман, лекин шу нарсага ишончим қатъийки, бу ерга келадиган ҳар бир инсон, ёшу қари ватандошимиз иккинчи жаҳон уруши ва кейинги урушларда юртимиздан иштирок этиб қурбон бўлганларнинг хотираси олдида бош эгеди, орамизда ҳали ҳаёт юрган собиқ жангчиларга кўпроқ иззат-иқром қиладиган бўлади», дедилар муҳтарам Йўлбошимиз.

Дарҳақиқат, шундай: инсоннинг ўтганларни ёдга олмай, хотирасиз яшashi мумкин эмас. Шундай экан, Йўлбошимиз таъкидлаганларидек, «450 минг ҳалок бўлган аскар — бу расмий маълумотга кўра жанг майдонларида ҳалок бўлганларнинг сони, ҳолос. Аммо жангхоҳларда асир тушиб фашист лагерларида жон берганлар, бедарак кетганлар — булар қайси рўйхатга кирган? Уларнинг тақдирини, хотирасини билан ким қизиққан, уларни ким икки оғиз илик сўз билан эслаган? Еки фашист асирлигидан қутулгач, «халқ душмани» сифатида айбланиб, совет тутқунлигида Магадан конларида, Колима ўрмонларида ҳалок бўлган юртдошларимизнинг ҳисоб-китоби борми?..

Ана шу одамларнинг тарихини ўрганиш, хотирасига муносиб иззат-иқром кўрсатиш биз — бугунги авлодлар учун ҳам фарз, ҳам қарзидир! Бугун бу қарзни ўзмоққа имконимиз, азму иродаимиз етарли.

Шуниси эътиборлики, Хотира ва қадрлаш куни моҳиятан таоман янгича, мазмунан кенг ва терең, чинакам миллий, жиддий ва салобатли байрамдир. Бу кунда фашизмдек бало-қазоларни енгиб, қизил империя асоратидан ҳалос бўлиб, қатагонлардан қутулиб, бугунлиқда истиқлолга эришиб нурафшон истиқбол сари одимлаётган Ватанимиз ва халқимиз музаффариятидан шодлигимизу севиңчларимиз ва ана шу ўқубатли йўлда шаҳид кетганлар, эркимиз меҳробига жон қурбон қилганларни ёдлаб чекадиган қайғу изтиробларимиз ёнма-ён туради, бу хурият, бу дориламонлик уз-узидан келмаганлигини эслатади. Шу нуқтаи назардан бу байрам бағоят ҳикматли байрам ҳамдир.

Ана шу ҳикмат пойтахтимиздаги бош майдонда ва барча вилоятлар марказларида қад ростлаган табарруқ зияратгоҳларда мангу нақшланди. Ҳақ иш учун, эзгулик учун жон фидо этганларнинг ҳар бири номи муътабар лавҳаларга битилди. Хоки узок элларда қолган, бедарак кетган юртдошларимиз руҳи ҳам она тупроққа қайтиб келди.

«Номаялум аскар бўлмайди», дедилар муҳтарам Президентимиз. Чиндан ҳам «узилган бир киприк абад йўқолмас», яшавли йўлда шаҳид кетган ҳар бир инсон номи аниқ бўлмоғи ва албатта тарих саҳифаларига битилмоғи шарт. Тарихий ҳаққоният, ижтимоий адолат талаби шундай.

Ана шу талаб юртимизда бекаму куст ижобат тоғланлиги қалбимизга чеқис гурур бағишлайди.

Жангхоҳлардан голиб қайтиб бугун кексалик ҳаловатини сураётган пиру бадавлат отахонларимиз, фронтлар ортида бел боғлаб мардона меҳнат қилишган муниси мушфик волидаи муҳтарамаларимиз ва айниқса урушлар туйғайли еридан, фарзандидан жудо бўлган жафоқаш оналар қадри бугун осмон қадар юксалаётганлигини алоҳида қониқиш туйғуси билан таъкидламоғимиз зарур. Интизор она сиймоси Хотира ва қадрлаш куни тимсолига айлангани ҳам нақадар ҳаққонийдир. Она тилидан янраган «Сен Ҳамиша қалбимдасан, жигарим», деган сўзлар бутун халқ, яхлит Ватан қалбиниң сандосига, тарихий ширғога айланиб қолди.

Зеро Ватан ва Она тушунчалари яхлит-эгизакдир.

«Бу оламда Ватан биттадир

Ва биттадир Она деган ном».

Хотира ва қадрлаш кунининг яна бир ҳикмати — огоҳликка даъват: бугунги хурият, осейш ва осуда меҳнат қадрига етиш, уни асраб-авайлаш, офату касофатлардан ҳимоя қилиш заруратидир. Февраль аёқалари бизнинг кузимишни очди. Эозод ва фаровон ҳаётимизга таҳдидлар борлигига, ганимлар тиш қайраб юрганга гувоҳ эъди. Иншооллох қасд қилганлар паст бўлгай, бугунқо қурбонлар руҳини Оллох раҳматига олгай. Евлар билсинларки, бизни ҳеч ким танлаган йўлимиздан қайтара олмайди. Чунки биз бу улғу йўлда жилдик, йқдиллик ҳамнафас ва ҳамқадимиз. Ушбу аёём эса муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, тарихий хотира воситасида янада мустаҳкамроқ бирлаштиришга ҳизмат қилади.

Хотира уйгонса гузалдир, дейдилар машойиҳлар. Мустақиллик тонгида уйгонган гузал Хотира мангу уйғок ва безавол бўлсин!

## ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛБОШЧИСИ ДОИМО ОМОН БЎЛСИН!

Ҳурматли Ислому Каримовга!  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида эл тинчилиги, юрт фаровонлиги, давлатимизнинг омонлиги тўғрисида жон қўйдириб сузлаган, юракни ларзага солғувчи нутқингизни тинглаб, ҳеч қайси давлатда Сиз каби халқи учун вафоли, турғи йўл курсатувчи Йўлбошимиз йўқ эканига ишонч туйдим. Сиздан узга одамни Сизнинг урнинида булишини тасаввур ҳам етолмайман.

Менинг тушуншимча, Сизга жуда қийин экан.

Сиз ҳаётингизни тарбиялаб, малакасини оширган, тажрибаларда чиниққан Инсонсиз. Мен Сизни камолот шидагидеги, бошидан иссиқ-совуқни ўтказган, очлиғу тўқлиқни курган, ҳар қандай иқлимда чиниққан одам деб биламан.

Албатта, мен, иккинчи тоифа иштироки, Сизга бирор ёрдам беришдан оқимман. Бироқ юртимга меҳрим, келажакка бўлган ишончим билан Сиз амалга ошираётган улғу ишларда халқимиз билан биргаман деб ўйлайман.  
Ҳамиша Сизга зафарлар бер бўлсин!  
Янгиқурган тумани, Қораянтоқ қишлоғидан  
Эркинбек Исроилжон Усманов.

Мен ҳаётимда 50 йил трактор ҳайдаб, элга ҳизмат қилдим. Лекин шу эллик йил мобайнида ҳозирги Мустақиллик даври сингарии фаровон, нуридан замонни кўрмадим.

Юртимизда бажарилаётган ишларга ақл бовар қилмайди. Барча алломалар қадам-қадам янгидан тикланди — Самарқандда Имом ал Буҳорий, Бухорода Хожа Баҳоуддин Нақшбандий, Фарғонада Ахмад ал Фарғонийлар мажмуаларининг бунёд этилгани, уларнинг руҳлари шод қилинган! Аллоҳга ҳам, мусулмонларга ҳам маънуқ бўлди.  
Бизнинг келажатимиз — ашларини тарихий элларга илм олиш учун жунатилгани «Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузма-

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИГА МАҚТУБЛАР

Учқурган тумани Қайқ қишлоғи фуқарolari помидан меҳнат фахриси Тўқлиқбой Ҳожи Жалилов.

Тинчлик энг буюк неъмат эканлигини тобора чуқурроқ англаб етгаймиз. Айталик, қўшни Афғонистонда йиғирма йилдан буён ўқ овозларни остида тонг етаетган, Тожикистондаги биродарлик моҳаролари аҳолининг силласини қуритган бир паллада тоғдан бир бурда нонингиз оиланг даврасида беҳавотир истеъмол қилишдан ортқ бяхт борми?

Тақдиримдан нолимайман, 2 фарзанднинг онасиман, гарчи турмуш уртоғимнинг тоби йўқ, камтарона уйда яшасак ҳам, юртимиз келажакга ишонч бизга қуч-қувват беради. Сизнинг телевизордаги ҳар бир нутқингизни бошдан охиригача қураман. Сизни отамдек ҳурмат қиламан. Ана шу туйғу менга қуч-қувват беради, баъзи ношукур бандалар тараққийтимизга тусқинлик қилолмаслигига ишончимни юксалтиради. Бахтимизга доимо омон бўлинг!

Сурайё Маҳмудова,  
Бухоро вилояти, Шофирқон тумани.

# ҚИШЛОҚ ҲАДӢТИ



Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 7 МАЙ, жума, № 31 (5.987). Сотувда эркин нархда



Ўзбек йигитлари ўша қонли урушда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, жон олиб жон бераётганида, ишончим қатъийки, шу шаҳарларни эмас, авваламбор ўз уйларини, оқ ювиб, оқ тараган меҳрибон оналарини, севимили ёрларини, азиз фарзандларини, қариндош-уруғларини-ю дўст-биродарларини уйлаганлар. Ҳамюртларимиз урушда Европадаги қандайдир тепалик ёки қаҳрамон шаҳарлар учун эмас, биринчи навбатда, жонажон юртимиз, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо қилганлар.

Ислому КАРИМОВ.



Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.



### 9-МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

### УНУТМАС, РАҲМАТИН ӢБДУРАЪДИ ҲАҚ

Бу қадим дунёнинг безағи — инсон, Инсон бор — бу дунё масъум, боқира, Инсоннинг безағи — тафаккур, имон Ва қалбни ёртинг турган хотира.

Ватан хотирадур, халқ ҳам хотира, Хотира бор экан тирикдир улус, Хотира бор юрда йўқдир хавотир, Дилларда тирикдир ор ила номус.

Хотира бор экан, жанг майдонида Тўқилган томчи қон чечак бўлажак Не-не доволардан ошиб ўтдинг сен, Ва ҳаёт барқ урар унинг қонида, Шаҳидлар бугундан чиқар келажак.

Халқим, хотирагни авайлаб-асраб Не-не доволардан ошиб ўтдинг сен, Утар йўлларинга ёв тўсиқ қўйса, Улардан дарёдаги тошиб ўтдинг сен.

Сенинг хотирагда яхши-ю ёмон, Донолар сўзи-ю ботирлар жанги, Хотирагни асраб келажак томон Борурсан, ортингда асрлар чанги.

Сенинг хотирагда Афросиёбу Маҳмуд Қошқарийнинг улмас қаломи,

Сенинг хотирагда «Девонул Ҳикмат» — Яссавий бобонинг боқий саломи.

Сенинг хотирагда эрк ва истиқлол Жангида бош қўйган ҳар бир фидойи, Сенинг хотирагда она Тумарис, Ботир Жалолиддин, ҳазрат Навоий.

Ӣдингда тирикдир ўн етти ёшда Масъум ҳаётини сенга берганлар, Талотум денгизда жар томон сузган Кемани саодат томон бурганлар.

Уларнинг ёдини асраб, қадрлаб, Ҳар бир эр номини айланг дея ёд, Хотира майдонини тиклади бугун Эркингни қайтадан бунёд этган зот.

Бу майдон тўрида маънос Онанинг Ҳайкали турибди — армон тимсоли, Оёғи остига бориб бош қўйинг, Саҳжда бошингиз қўйган мисоли.

Ватан деб, элим деб жон тикканларни Унутмас, раҳматин ёғдиради Ҳақ, Буюк келажакни тиклашга фақат Қодирдир ўтмишин унутмаган халқ!

Хуриш ДАВРОН

## ҲУРИЯТ МЕҲРОБИГА ТИКИЛГАН ЖОНЛАР

Тўққизинчи Май байрамнинг мазмун ва моҳияти буткул ўзгарди — кенгайди. Энди у миллат хотираси ва инсонни қадрлаш кунига айланди. Миллат хотираси деганда киши кўз унғидан Ватан ибтидошидан бугунга қадар шу юрт, шу замин деб, шу халқ, шу миллат деб қурашган, қуч-қудрати, ақл-заковатини аямаган, керак бўлса, шу йўлда жон фидо қилган не-не буюк-буюк бир утадилар. Широқдан Тур-Маҳмуд Торо-Ҳиқирон Амирзо Улуғбекдан Муҳаммад Боллолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубродан Мадаминбекчақа ёдга тушаверади.

Уттизинчи йилларнинг қатагонлари...

Янада яқинроқ тарих асримизнинг 30-йилларида амалга оширилган қатагон қурбонларини эса бетаясир эслашнинг илоҳи йўқ. Хотира ва қадрлаш кунини байрам қилиш бизга шу фидойи, маърифатпарвар, элсевар инсонларни ҳам хотирлаш имконини беради.

Миллат ҳеч қачон адабиётдан воз кечган ёки уни ўз ҳолига ташлаб қўйган эмас. Чунки адабиётгина халқни бирлаштириш, уни мунгли йўлга бошлаш, кишилар кўнглида улғувор умид-орзуларни жўш урдиришдек элнинг эллитини намойён этиб турадиган улғувор вазифани буйнига ола билади. Шу маънода XIX асрда, ҳатто, унинг рус босқинидан кейинги йилларида ҳам ўзбек суз санъати халқ орау-уйи, дард-ҳасрати ифодачиси бўлиб келди.

Бироқ ўзбек адабиёти, эҳтимол, аср-асрлик тараққиёти мобайнида бошқа ҳеч қачон асримизнинг 20—30-йилларидагичалик ижтимоийлашмаган эди. Адабиёт учун қуруқ ижтимоийлашиш — салбий ҳодиса, албатта. Бироқ Абдурауф Фитрат,

(Давоми 4-бетда).

## АБАДИЯТ ВА ҲИҚМАТ МАНЗИЛИ

Самарқандга борсам мен агар...  
Шу урида муҳтарам шоиримиздан узр сураб, унинг тингловчилар қалбидан жой олган мунгли, ибратли кушигидаги сатрлар давомини салгина узгаришига жазм етдим: Самарқандга борсам мен агар... аждодлар руҳига таъзим бажо келтириб, муаззам ёдгорликларни зиёрат этиб ва бу шаҳардаги азиз бир масканин, муътабар ва муқаддас хилхонани — Шоҳизинда қабристони таваф қилиб қайтаман.

Аммо айна пайда уларнинг ҳам мену сиз каби тиз чухиб таваф айлағувчилари, тошларни қафталари билан силаб-сийлаб, дил розини, соғинч-армонини айтиб, қуларидан жим-жим ёш тўқувчилари бор. Зеро...  
Зеро ҳар қандай зиели, маърифатли инсон учун ҳам энг мулки, энг қоксақ туйғулар, умумийлик, умуминсоний тушунчалар, қадриятлар аввало ота-онаси, қадму-қариндошлари, еру биродарлари руҳини эъзолашдан раҳбари таъкидлаганларидек «Халқимизни тарихий Хотира воситасида бирлаштиришга ҳизмат қилажак».

Шоҳизинда қабристони ОСТОНАСИДАГИ УЙЛАР

Шу билан бир қаторда ушбу улғу кўнга тайёргарлик асосида жамийки марҳумлар руҳига эътибор ва эҳтиром қўйиб, шайхона тўқин билан қўнганлигини эътироф этмоғимиз лозим. Шоҳизинда хилхонасини зиёрат қилиш буюк берида бунга бевосита гувоҳ бўлдим.

Чунки... Шаҳарга кириб борадиган йўл Шоҳизинда пойдан етди. Бу қулугу шаҳарга қадам босаётган ҳар бир эгу ниёти инсонга гоийбона пешвоз чиқиб, унинг ҳақиқата дуо қилиб етишида уйғок рухлар.  
Чунки бу ерда менинг азизларим, қадронларим ҳоки мангу қўнм тоғлан. Гарчанд уни Самарқанддаги ёки юртимнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларидаги, қолаверса ер юзидати бошқа абадий манзилгоҳлардан баланд қўймоқчи эмасман. Азим Ташкентдаги Чигатой вики Лондондаги Хайгет, Париждаги Пьер Лашез, Вашингтондаги Арлингтон, Москвадаги Ваганков хилхоналаридан тортиб боришги. «Буронли бека-дағи чул қўннида унутилбаган муъжаз қабристонга — ҳаммаси азиу муътабар ва шубҳасизки, уларнинг ҳар бирига қадам босган инсон ўз эҳтиромини бажо келтиради. Аммо...

Тарихи башар ибтидоши даврларига бориб тақалладиган ушбу манзил унга бундан қарийб 12 аср олдин пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ақиқавачиси Кусам ибн Аббос дағи этилгандан сунг «Шоҳи Зинда», яъни «Тирик шоҳ» номи билан аталадиган бўлди. Тақдирларга кура жангда шаҳид бўлган араб саркардасини дағи этганларидан сунг унинг ҳоқини таҳқирлашдан, асраш учун «Шоҳ тирилик қабрдан қўниб кетди», деган овоз тарқатилган ва пировардида бу эълон қилинишида терең ҳикмат намойён бўлди. Узок йиллар мобайнида бирёқлама тарзда нишонланиб келган қизил байрам урнида чинакам Шарқона, миллий табарруқ Сана қарор топди. Энг муҳими, унинг мазмун-моҳияти кенгайди, тереңлашди, аҳамияти янада қучайди, юксалди. Шу муносабат билан маъракатимиз пойтахтида муаззам Хотира майдони барпо этилган улғу тадбир бўлди. Ва шубҳасиз бу майдон, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек «Халқимизни тарихий Хотира воситасида бирлаштиришга ҳизмат қилажак».

(Давоми 4-бетда).

(Давоми 4-бетда).

ОШ СУЗСАК ЎРТАДА БИР НАСИБА КАМ

ЎЗБЕКИСТОН НОМИ БИЛАН ЖАНГГА КИРДИ У...

Каттакўрғондаги Арабхона кишлоғида бир хонадон бор. Қишлоқ ахли хонадон соҳиб Нарзулло бобо Отамуродов номини эхтиром билан тилга олишади. Отaxonнинг ҳаёт йили кўпчилик учун ибратли.

— Халқимизнинг «Кариси бор унинг париси бор...» деган доимо охорли бир мақоли бор. Боқийликка дахлдор ушбу мақоланинг маъноси гоят тере, ҳикмати эса бисёр. Шу маънода фикр юртидаги бўлсақ, Сиз бошқарибган Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий кўлаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятига бир назар ташлаш, 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида, айниқса, муҳим аҳамият касб этади...

кам маънода ўз мустақил Ватанимизга эга бўлганимиздан сўнгина чуқур ҳис эта бошладик. Ва бу ҳайри ва савоб ишининг ташаббускори ҳам, не бахти, мамлакатимиз раҳбари — муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов бўлди.

Бизда бирор шаҳар, туман, кишлоқ ва хонадон йўқки, ушда урушнинг бало-қазолари, айрилиқлари жудоларини ва уларнинг азият-жабрини тортамаган бўлса... Уруш ўз номи билан уруш... Онларнинг «Йов, урушнинг оти ўсин!» дея зор-зор йиғ-табидир. Шу мақсадда «Нуроний» жамғармаси «Маҳалла», «Камолот», «Меҳр ва шафқат» жамғармалари, республика хотин-қизлар қўмитаси, «Мазнавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази, Мудоофа вазирлиги, «Ватанпарвар» каби қатор ташкилотлар билан шартномалар тузган. Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда уруш ва меҳнат фахрийларининг «Нуроний» шифонасида таъминлаш ишлари тугалланди. Бу билан у ерда бир йула 150 нафар фахрийнинг да-

Мустақиллигимизни мустақкамлаш, ислохотларимизнинг муваффақиятини таъминлаш — ўзбекистонликнинг, шу беназир Ватанимиз фарзандиман, деган ҳар бир кишига — ҳам қарз, ҳам фарз. Шу мақсад йулида баҳоли қудрат ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Яқинда республика «Камолот» жамғармаси билан ҳамкорликда Ўшлар билан учрашув ташкил этдик. Бу учрашувга Муқаддам Ашрафова, Азиза Қаландарова, Маъжуда Саматова сингари жангчи-аёл фахрийларимиз тақдирга қўшилди. Уруш фахрийларидан ташқари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Хатиша Шайхова, Ўзбекистон халқ артистлари Яйра Абдуллаева, Тўти Усупова ва яна бир қанча номини эсимизда кутамиз.

— Менинг нимамни ҳам ёзганимиз, ўғлим? Икки қўлим, икки оёғим бўлмаса, шохсиз-бутақсиз дарахт нимаяю, мен нима? Ахир, ўзингиз бир тасаввур қилинг, мен ҳафта эмас, ой эмас, ўттиз бир йилдан буён худди гўдак мисоли яшаб келяётман.

Эсимда, отaxonниқига илк бор борганимда, кечанига мактабни битириб, туман газетасида иш бошлаган йигитча эдим. Сўлим ёз тонигида у мени остонда айнан шу сузлар билан қаршилади. Сўнгра куллири урнида бир қарич-бир қарич сузлар буртиб турган биллақлари остига қўстирилган култиктавлари ёрдамида ортига кескин ўғлимга қўсангиз, яхшичи, Тожиҳон олпангиз ҳақида ёзган. Чўки мени ҳафтага қайтарган, яна қаторга қўшган инсон аслида мана шу аёл бўлди. Бу ўшундай деяр йулида давом этди. Бу сафар ясама оёқ гижирлашига култиктавларнинг зарб билан дуқиллаши ҳам қўшулиб кетди. — Мен йигирма олти йилдан бери унинг саволатини, тақдир саволатини тоб берган садоқатини таърифлашга суз тополмайман, ўз миннатдорчилигимни қандай изҳор этишни билолмайман.

— Тўғри айтасиз! Республикамининг ҳамма ерида «Ўлкамиз боғлари нуринлар ногоҳида» ҳаракати кең ёйилган. Бу ҳаракатга қўшилган, уни кўлаб-қувватлаган уруш ва меҳнат фахрийларимиз, фаолларимиз «Кучат экин» — бог қилинг! шўриони узларининг амалий ишлари билан баланд кутармоқдалар. Ўлкамиз боғларга бурканса, элимиз дастурхони нозу неъматларга тўжин бўлса — нур устига аёло нур.

КИМ АЙЛАДИ ИКРОМ МУКАРРАМ БЎЛДИ...

Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий кўлаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши раиси Эркин Жўраевич БОҚИБОЕВ билан мулоқот

лаганларини тарих нуқтаида. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, «Хар қандай миллат, хар қандай халқ ўтганлари хотира-сини эъзозлаши лозим. Хотира муқаддасдир. Миллат узининг миллатлигини сақлашни истаса, хотира абадий бўлиши керак!». Яна Президентимиз айтдиларки, «Бўғун ҳаёт бўлганларни қадрлашимиз, хурматини жойига қўйишимиз зарур. Қадрлаш деганда фақат уруш қатнашчиларига эмас, қарияларимизга, ота-оналаримизга, барча яқинларимизга эхтиромни тўшунайки». Ай-ти керакики, бу ақиданинг ҳосияти беқисдыр.

— Тўғри айтасиз! Республикамининг ҳамма ерида «Ўлкамиз боғлари нуринлар ногоҳида» ҳаракати кең ёйилган. Бу ҳаракатга қўшилган, уни кўлаб-қувватлаган уруш ва меҳнат фахрийларимиз, фаолларимиз «Кучат экин» — бог қилинг! шўриони узларининг амалий ишлари билан баланд кутармоқдалар. Ўлкамиз боғларга бурканса, элимиз дастурхони нозу неъматларга тўжин бўлса — нур устига аёло нур.

Мухтарам Президентимизнинг 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш ҳақидаги тақлифиди халқимиз гоят хайрихоҳлик билан қўлиб олди. «Ишончим комилки, — деган эди давлатимиз раҳбари «Туркистон» газетаси муҳбирининг саволатларига жавобларини, — бу одамлар Сиз айтгандек, қандайдир номсиз тепалиқлар, бегона мамлакатлар учун номаълум солдат бўлиб жанг қилмаганлар. Улар қайси жангоҳда бўлмасин, ўз она юрти, тугилиб ўсган қишлоғи, муштинлар онаси, суюли ёри, фарзандларнинг қаддон сиймоси доимо юрагига, фикру хаёлида турган...»

— Чиндан ҳам юртбошимиз хак гапни айтдилар, — дейди Нарзулло бобо биз билан суҳбатда. — Биз мамнур душманнинг иблос оғзи Ўзбекистонга — бизнинг юртва эсло етиб келмасин, деб қонли жангларга кирганми.

ЭЗЗОЗ

яъни Галабанинг 60 йиллиги шарафига «Хотира» китоби биринчи бўлиб Ўзбекистонда нашр қилинди. «Хотира» 35 томчи ташкил этади. Уларда иккинчи жаҳон урушида шахид бўлган ва бедарак йўқолган турт юз минг жангчининг исми-шарифи мангуликка эфир этилган. «Хотира ва Қадрлаш куни», шўнингдек, «Хотира» маъмури қўрилиши ва унда шахид кетганлар номиларининг ёзилиши муносабати билан яна бир неча минг халок бўлган ҳамда бедарак кетган жангчилар номи тикланди.

Сўхбатдош: Абулло ТУРДИЕВ, «Қишлоқ Ҳаёти» махсус муҳбири.

Мени рози бўлгандим. «Албатта, вазман» дегандим. Аммо орадан қанча йиллар ўтса-да, ёзолмадим. Табарруқ аёл шаънига лойиқ энг улуг сузни тополмадим. Ота-хонга иккинчи бор ҳаёт бағишлаган, қуларига қайтдан нур, дилга оруз-хавас ата этган Тожиҳон олпангиз матонатини удралаб қозоғизга туширолмадим.

— Отаҳоннинг овози титраб кетди. Бўзига нимадир тиклангандай бўлиб, тугилиб қолди. — Яширишмидан нима фойда? — деди бир оздан сўнг қайта тилга кириб. — Ростини айтсам, оилада бир умр еттинчи гўдак бўлиб қолганим алам қилади менга. Аммо иложим қанда?

— Отаҳоннинг овози титраб кетди. Бўзига нимадир тиклангандай бўлиб, тугилиб қолди. — Яширишмидан нима фойда? — деди бир оздан сўнг қайта тилга кириб. — Ростини айтсам, оилада бир умр еттинчи гўдак бўлиб қолганим алам қилади менга. Аммо иложим қанда?

— Отаҳоннинг овози титраб кетди. Бўзига нимадир тиклангандай бўлиб, тугилиб қолди. — Яширишмидан нима фойда? — деди бир оздан сўнг қайта тилга кириб. — Ростини айтсам, оилада бир умр еттинчи гўдак бўлиб қолганим алам қилади менга. Аммо иложим қанда?



ДИЙДОР ФАНИМАТ



Т. Ҳамроқулов олган сурат.

«МЕНИ КЎТГН ВА»

«Сен доимо ардоқдасан»

«МЕНИ КЎТГН ВА»

«Сен доимо ардоқдасан»

«МЕНИ КЎТГН ВА»

«Сен доимо ардоқдасан»

ШУНЧАЛАР МУСТАҲКАМ ХОНАИ ХУРШИД

Майдонда бир ой мўддатда 37 миллион сўмлик иш бажарилди. 1000 квадрат метр ҳажмида мармар терилди. Ранг-баранг тошлардан ясалган фавворадан биллур сув отилади. Ҳаёлан ушбу марварид томчиларни соғинч кўз ёшларига ўхшатгим келди.

— Одамларимиз дилида катта оғрик ҳам бор, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят Кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати Соҳиб Усмонов, — Урушга кетганларнинг ярми қайтиб келмади. Улар ота-оналарининг азиз фарзандларини эдилар. Улар нораства фарзандларини азиз оталари эдилар, улар гўзал келинчақнинг севишли ёри эдилар...

рё ахли номидан хурматли Президентимизга минг-минг раҳматлар айтаман... Атрофга назар ташлайман. Рўпарадаги мажнун тол шохлари эгилиб турибди, бамисоли онанинг азиз боши сингари. Қани менинг урушга кетган ўғлим, деб фарёд чекаётгандай.

Муаззам ёдгорлик қурилиши ниҳоясига етди. Хайкалтарошу қурувчилар, муҳандис расмоллар, борбону гулчилар ҳамжиҳат ишлашди. «Шўртангаз» ташкилоти жамоаси катта ҳиммат кўрсатишиб, 10 миллион сўм пул ажраттишди. Қарши санаот қурилиш бирилмаси, «Ўзбек бургалаш», Қарши дон, Қарши ёғ, дон махсулотлари ва бошқа кўлаб ташкилот жамоалари ҳам бу кутлуг ишга ёрдам қўлларини қўзишди.

лиги ва Ёркин таасурулорларга бойлиги билан ажралиб тургани боис хар иккала қария бошқатдан қўрилиб, узоқ чўққак-лашдилар, биргаликда кул воекаларни қуз олдиларда жонландирдилар. Сихаттоҳда дам олмиш мўддатга тугагач, бир-бирларининг оила эъзолари, ўғил-қизу неваралари билан таниш-тиридилар, узаро борди-келиди муносабатларини урнатдилар.

си дунёга қайта келган қунда бўлиб қолгани. Бу табарруқ сана 53 йил давомида отаамизнинг таваллуд топан қуни тарихида оиламизда да нишонланди. Дахшатли киргин-барот жанглардан омон қайтган падари бузрукворимиз узи сўйган муаллимлик касбини давом эйтириб, маориф соҳасида фаолият кўрсатгани туфайли Ватанимизнинг турли чеккаларига жуда қўши

топади. Дунёда энг бахтсиз киши — яқов ва танбалар. Меҳнатнакш бўлсанг, мақсадингиз албатта эришасан». Ожаск маданият соҳибига, нозик дид ва мусиқий қобилиятга эга бўлган отаамиз ҳаваскорлик даражада най, рубуб, танобур, доира, пианинода маромига етказиб қулар чалардилар. Фарзандларининг хар томонлама қамол топишда мусиқининг беқиср ролини чуқур англаганлари учун ҳам ҳаммамизнинг дилимизда мусиқига муҳаббат уйғота олганлар. Оила даврасида ҳамма фарзандлар билан биргаликда чолгу асабобларида куй-қўшиқ ижро этиб, ҳордиқ чиқаришни хуш қулардилар. Едилмида, қайтиш қилишлардан бир ойлар чамаси аввал, бетоб этган отаамиздан хабар олгани борсам, жуда тушкун қайфиятда, дарр жуда тушкун қайфиятда, дарада чой ичинг, ада, сиз етирган таомни пишириб қолдидим, — дея дастурхонга берладим. У киши ишталадари йўқлигиндан туршига рағбат билдирмадилар. Мен ортик сузламай, қўлимга отаамизнинг қаушар рубобларини олиб, «Тановорни» чала бошладим. Шунда беҳол этган отаамиз куларидан нур қаунаб, вужудларида ички бир кўнвот пайдо бўлиб, урниларидан турдилар ва куларига наини олдилар. Ота-бола иккимиз ма-

за қилиб жўрликда бир неча куйлар ижро этдик. Ушанда волидан муҳтарамимиз севиңчдан этикканларини тасвирлашим ҳам қийин. Бу каби воқеалар энди тарихга айланми қолди. Базан машҳур «Соғинам, отаамим, изайлин қаерлардан...» сатрлари жаранглаган қўшиқ қўлуғимга қилиниб қолганида, куларимга ёш келиб, отаамизнинг гапларини, тутган ишларини, берган угути маснадларини хотирлайман. Меҳрибон қилабоғимиз ҳозир орамизда йўқлар. Лекин уларнинг руҳи ҳамма биз билан биргалигини доимо ҳис қиламиз. Чўнки одамдан бу дунёда яхшилик эзгулик, меҳру оқибат қолади. Инсоннинг эзгу амаллари учун фарзандларидан, авлодларидан давом этади. Бу бир инсондан буюк хотира қолади.

Хайрият, хуррият замони бўлиб, ўтганлар руҳи шодланмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда хотира майдонлари қурилгани айнаи мўдда бўлди. Бу катта ҳажмидаги ишлар шаҳсан улуг Йўлбошимиз Ислом Каримовнинг сай-харакатлари билан амалга ошди. Қақшадлар

Бозор ЭРҚОРОВ, «Қишлоқ Ҳаёти» муҳбири.

# ҚЎМСАЙМАН БИРОВНИ, АЛЛАКИМИМНИ...

«Нима, сен дундан қизилгинча ўтмоқчимсан?» деб зимдан «насиҳат» қилишди. Улар Холтурга ачиндишди. Тожихоннинг устидан қилишди, билиш қийин эди. Аммо 19 ёшли қиз журъатига тан берганлар кўп бўлди.

«...»  
Кейин замон узгарди, ҳаёт узгарди. Одамлар узгарди, дунёқарашлар узгарди. Фақат Тожихон опа узгармади, унинг аҳду паймони узгармади. Вафого ваъда қилган қиз ваъдага вафо қилишининг ҳам удрасидан чиқолди. Турмушининг неки захмати бўлса, у гарданига олди. Хаял утмай оилада фарзандлар туғилди, рўзгорда ташвишлар қупайди. У бир қули билан бешик тебратса, иккинчиси билан Холтура отага лўкма тутиди. Бир қули билан кетмон чопса, иккинчиси билан Холтура отани оқ тараб, оқ қийинтирди. Фурсат-соати келиб, фарзандлар вояга етди. Зубайда-ю, Бувайҳадича «Ер-ёр» сэдолари остида қелилик либосини кийишди. Абдужаббору Акбарали, Абдумомуни Облоқул уйли-жойли бўлишди. Холтура ота кўша-қўша неварали пирю бадавлат оила бошлиғига айланди.

Холтура ота ҳар сафар бошқалар курсатган меҳр-оқибат ҳақида гапирарди-ю, уз жасоратлари тугрисида кўп-да сўз очмасди. Ҳолбуки, унинг жанговар ҳаёт йўлининг узйиқ қаҳрамонликларига бой эди. У Житомир, Курск, Махачқала шаҳарларини, Польша, Венгрия, Болгария сингари давлатларни озод этишда иштирок этганди.

Бирок 1945 йилнинг феввали тонготарида бўлган жангда оғир яраланди. Хужумга ташланган дуслари қатори олға югуриб бораркан, тўстатдан оғи остидан «лоп» этиб аланга кутарилиди. Шу сония қучли портлашдан қўлоқлари том битди. Кейин чап

сузимни чўрт кесиб. — Ахир сиз угирлик ёки безорилик қилиб бу ҳолда тушганингиз йўқ-ку. Шунинг учун ҳам дўст сифатида илтимос қиламан, ҳам собиқ командир сифатида буюраман, уйга хат ёзинг. Сиз одамларга кераксиз, биринчи навбатда, ота-онангизга кераксиз...

Мен бу илтимосга қўлоқ осмадим. Дўстона буйруқни бажармадим. Аммо тўрт ойдан сўнг госпиталимизга тўстатдан ота-онам кириб боришганда, ҳайрат ичра қотиб қолдим. Кейин билсам, бу уша майорнинг иши экан. У аҳдим қатъийлигини аниқлагач, врачлардан уй адресимни олган, бор ҳақиқатни баён этиб, ота-онангга хат йўллаган экан.

Шу баҳонаи сабаб, киндик қоним тузилган қишлоғимга қайтдим. Аввалига ўш дард-ғамим билан оворда бўлиб қолган эканман. Кейинроқ уша ҳарбий врачни, мовийқўз ҳамшираларни, қотма юз майорни кўп қўмсидим, кўп соғиндим. Улардан бирон-бир дарак топармиканман, деган илнжнда узим даволанган госпиталларга, хизмат қилган қисмларга узуқсиз хатлар йўлладим. Афсус, тайинли жавоб ололмадим...

...»  
— Холтура отангиз қўлсиз-оёқсиз бўлсалар ҳам иймон-этиқодли одам эдилар. — Тожихон опанинг сузларидан хушёр тортаман. — Ҳар қандай ҳолатдаям намозларни қанда қўлмасдилар. Ногиронликларини пеш қилиб, ортиқча нарса ундириб қолиш илнжнда бўлмасдилар. — Тожихон опа энгил тин олди. Қадок қўллариди даги пиеллада совуб қолган чойдан қуплади. — Дивнатли одам эл назаридан қолмас экан, — деди сунгра майин оҳангда. — Ҳамқишлоқларимиз ҳеч-чак бизни ёлғизлатишмади. Тўйимиз олди-дан хашар йўли билан уй қуриб беришганди. Кейин ҳам иссиқ-совуғимиздан, кам-кустимиздан доимо боҳабар бўлишди. Хукуматимиз-зу узимизнинг бошлиқлар ҳам қараб туришмади. Уч марта энгил машина беришди, алоҳида уй ажратишди. Тез-тез келиб,

...»

## МЕН ҚАЙТАРМАН...»

### муқаддас аёл» танловига

қули чирт узалиб, олд томонга учиб кетгани, узи бир мўддат ҳавода муаллақ қолгани ёқда, боққосини эслолмайд...

Кўп кўн йўқотган, юраги билинар-билимас уриб турган жангининг ҳаётини сақлаб қолшининг энг сунгги чораси шу бўлди: совуқ олган ун қўлини билақдан, мажжаланган чап оёғини сонидан, туликсиз ун оёғини тиззасидан кесилди.

Хали 22 ёшга ҳам тулиб-тулмаган буз йиғит учун бундай аҳволга тушиш даҳшат эди. У энди ҳафталаб-ойлаб қалқанча ётар, келажакни уйлағанда юрагини ваҳи босар, илжосизликдан узини қуярга қўи тополмай қоларди. Унинг учун энг оғир, ҳақиқий жанг — ҳаёт учун, тақдир учун кураш энди бошланган эди. Бу кураш 43 йил 23 июль эди. Ҳа, ропта-роца 43 йил У 43 йил урзу азобини торди, 43 йил қисматга қасда-қасд ушарди.

— Очиғи, дастлаб ҳаётдан умид узган пайларим ҳам бўлган, — деб эсларди у. — Бахтимга, дунёда Ҳашилла кўп экан. Айтилик, госпиталда мени уч йил асли белорусиялик ҳарбий врач даволаганди. У ҳар қал олдимга кирганида, бир гапни такоррларди. Нукул: «Уксинма, солдат, сен ҳали узоқ яшайсан. Оила қурасан, фарзандлар қурасан!» дерди. Мен бу баҳоратга ишонмасдим. Врач сузларини шунчаки қўнглимни кутариш учун айтилган гапга йўлардим. «Барибир, узоққа бормайман, ҳадебай, уламан», деб уйларидам.

Бир байрам арафаси госпиталимиздан сал наридаги маданият саройида вш ишчиларнинг уруш қатнашчилари билан учрашуви утказилган бўлди. Ҳамшира қизлар қўярада-қўямай, аравадада мени ҳам олиб боришди. Қарасам, меҳмонларнинг аксарси узимга ушхашан ногиронлар. Бир қаторда — зобитлар орасида утирган қотма юзли, вш бўлса-да, сочларига қиров кўнган майор қўзимга аланечук иссиқ курунди. Хотиримни жамлаб, бирдан эслардим. Бу менига ҳарбийдан илк таълим берган, дастлабки жангга бирга кирган собиқ командирим эди. Ниҳоят, у ҳам мени таниди. Учрашув тугаши биланок, бир-бир босиб қаршимга келди. Ялашиб-юлқабчи сурашди. Узоқ сўхбатлашдик. Қуролдош дусларимизни эслашдик.

У бизни кузатиб, госпиталгача бирга келди. Йўл-йўлакай уч йилдан берки улик-тиригим ҳақида ота-онанга хабар қилиганимни эшитиб, қаттиқ қойиб берди. Айтиқса, уйга қайтмаслик ҳақидаги қароримдан оғоҳ топган, узини тута олмади.

— Бу ишингиз хато, катта хато! — деди

ҳол-аҳвол сурашди. Дафн маросимига ҳам узлари бошчилик қилишди.

...»  
Ҳа, бўлди, неча замонлар ҳаёлимни тарк этмаган саволларга мана энди жавоб толдим: жасоратдан жасорат туғилди, меҳрдан меҳр яралди, деганлари ҳақиқи рост экан. Холтура отанинг бутун умри матонат ила йўрилганди. У яшашига иштиёқи, мушқулларга тоқати билан одамлар қалбига зағулик уруғини соча билди. Шу боис ҳамқишлоқлари ундан меҳр-оқибатларини дариғ тутишмади, яхши-ёмон кўнлариди ҳамкор-ҳамнафас бўлишди. Энди-энди уилайман: адашмасам, Тожихон опа ҳам худди ана шу тўғйдан кўч-қалда олган. Жасоратга жасорат билан меҳрга меҳр билан жавоб қайтарган. Бу йўлда ҳамшира яхшиларга ишонган, мудом яхшиларга ёндошган. Узининг энг оддий, аммо энг буюқ инсонийлик вазифаси — аёллик бурчини вафо-садоқат билан утаган. Аслида шунинг узйиқ бетимсол муҳаббат эмасми? Аслида шунинг узйиқ бошқаларга яхшигина сабоқ-ибрат эмасми?

Хонадон ағалари билан хайрлашиб, ҳовлидан чиқарқанман, куча эшик олдида қурт-Ҷаза бошлаган мевали дарахтга қўзим тушди. Хабарим бор, анча йил муқаддам бу дарахтнинг шоҳлари бехосдан қуриб қолганди. Холтура ота уғилларига уни тағидан аралашини буюрганди. Тунқасини қуриб, баттар гаши келди. Бир кўнгли тағтомми билан қўпортириб ташлатмоқчи экан бўлди-ю, нималарнидир уйлаб, фикридан қайтди. Ҳарҳолда, тўғри қилган экан. Тунқа қуламга келиб, ён томонидан шоҳлар чиқарди.

Мана энди уша дарахт иккинчи бор ун қаторида. Ҳар қўз ҳосил беряпти. Нима бу, шунчаки тасодифми? Балки гап бошқа жойдадир. Эҳтимол, Тожихон опанинг саботи, иродаси олдида лол қолган табиат ундан ибрат олгандир. Шу туфайли шохсиз-бутқосиз ёғочга қайтадан жон ато этгандир. Эҳтимол, Холтура отанинг ҳаётга ташналиги гувоҳи бўлган ниҳол унга ҳавас қилгандир, шу ҳавас-ла нурга — қўйшага талнингандир.

Яна қим билсин, блки менинг хулосаларим хомхавл бўлиб чиқар, табиат ҳар доим уз қўнларини билан яшар. Шуларни уйлариқанман, қўлогим остида яна Холтура отанинг утинчи ангради: — Шунинг учун ҳам фарзандларимнинг онаси ҳақида, умуман, мунис-мушфиқ, жафқош аёллар, яхши инсонлар ҳақида энгил дегилман-да, уғлим...

Абдулмалик ҲАЙДАРОВ, Бекобод.



Беш қаҳрамон, беш паҳлавон, беш баҳодир.

## МУРУВВАТ – МАРДЛАР ФАЗИЛАТИ

**Республикамиз Президентининг «Хотира ва Қадрлаш кўни» муносабати билан амнистия эълон қилиш ҳақидаги Фармони мамлакатимиз аҳли томонидан қониқчи тўғғус билан қутиб олинди. Кечириб, гуноҳқорларга авфу, мурувват қўрсатиш мардларга хос фазилат дейишмоқда улар. Қуйида газетхонларимизнинг бу ҳақидаги дил сўзлари билан танишасиз.**

### ҚАДАМЛАРИНИ ЙЎЛАБ БОСИШАДИ

Маҳкумлиқни маънавий азобларини ҳеч қимга раво қўрмайман. Ҳар қуни тинч меҳнатдан сунг ноз-неъмат тула дастурхон атрофида, фарзандлар даврасида дилдан гурунг қилиб, бир пиёла чой ичганга нима етсин. Қалби дарв, кечиримли, фўқаросига меҳрибон Йўл-бошимиз Фармонига қўра Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан амнистия эълон қилинганини эшитиб гоят ҳаяжонландим. Бу — чинакам халқпарварлик намунаси. Муддати тўғмасдан жазодан озод қилинган юртдошларим бун-

### Яқинда республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан мактуб олдим. Унда менинг гуза агротехникасига оид баён этган фикрларим вазирликда тегишли мутахассислар томонидан урганиб чиқилганлиги ва улардан фойдаланиш узасидан вилоятлардаги қишлоқ хўжалик идораларига тавсиялар берилгани билдирилди. Бу, мени беҳад қувонтирди, мустақил мамлакатимизнинг бугунги қизгин ижтимоий-иқтисодий ҳаётида навқирон мутахассислар билан мақсатларим билан булса-да, қатнашаётганимдан мамнунман. Зеро, раҳматли устозла-

### УСТОЗЛАР РУҲИ УЙФОҚ

римдан бири овқ-қўлинг бекор қолса ҳам, фикру уйинг бекор қолмасин, деб қўп айтгувчи эди. Қирқ йилга Шукрона яқин хўжалиқда бош агроном бўлиб ишладим. Хўжалиқнинг ҳосилдорлик бўйича пешқадамлик қилган йиллари қўп бўлди. Бугун, кексайган чоғимда уша меҳнатларим вазивага иззат-икром қўрияман. Ҳозир қўлимда туман ҳўқимлигини, жамоа хўжалигидан келган байрам тақрифно-

дан буён кўзларини каттарок очиб, ҳар қадами уйлаб босадилар, куч-гайратларини мустақил юртга лойиқ фўқаро бўлиш учун сарфлайдилар, деб уйлаяман.

Мамлакат ЧОРИЕВА, Сурхондарё вилоти, нафақахўр.

### ОЗОДЛИКНИ АСРАНГИЗ!

Аёлнинг жони — қирқта, деб халқ жуда тўғри топиб айтган. Оналар болам деб узини гоҳ утга, гоҳ чўққа уришди. Боласининг оёғига тикан кирса онанинг жони оғрийди. Баъзан билиб и билмасдан қалтис қўйилган қадам инсон ҳаётини остин-устун қилиб юбориши мўмкин. Айтиқса, болангнинг бошига иш тушса, қийин... қийин — онага қийин.

Узбекистон Республикаси Президентининг «9 майни Хотира ва Қадрлаш кўни» деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисидаги Фармони шарофати туфайли, қўллаб оналарнинг бағрига жигарбандлари қайтишига ишончим қомил. Гуноҳлари этилган фарзандларга: «Озодликни асрангиз!» дегим келади.

Расулжон БОЛТАЕВ, Мирзобод тумани «Дехқонбол-шират хўжалиги бригада бошлиғи.

### Шамсиддинов, А. Байғузин, Журабой Маҳмудов, Гуломжон Дадабоев... Улар зўкко дехқонлар, гайратли ташкилчилар эдилар.

Бугун ана шу сингари марҳум зотларга гоийбона мурожаат қилиб, шундай дегим келади: «Азиз ҳамкасбларим, устозлар! Сизларнинг фидокорликларингиз, амалга оширган эзгу ишларингиз авлодлар ёдидан ўчмайди. Президентимиз Фармони бунга қафолат беради.

Нишонбой ШУКУРОВ, Норин туманидаги «Норин-жамоа хўжалигида яшовчи пенсияер, Узбекистонда хизмат қўрсатган пахтакор.

### ЯНГИЙЎЛЛИК ҚАҲРАМОН

Эндигина умрининг ўн саккизинчи баҳорини қаршилаган, ҳали йўлови сабаз урмаган, ўз гўшасидан узокроққа чиқиб улгурмаган қишлоқ фарзандини уруш ўз қомига олди.

Илёс ҳарбий хизматга чақирилган дастлабки кўнларданок ҳаёт-мамот жангга астойдил киришиб кетди. У қўл шаҳарлардан фашист босқинчиларини қувиб чиқаришда фаол иштирок этди. Венгрия ва Руминияни душманлардан озод этиш учун олиб борилган жангу жадалларда ҳам мардлик, қаҳрамонлик қўрсатди. Оддий аскарликдан рота командири даражасигача кўтарилди. Унга катта лейтенант унвони берилди.

Лекин халқимизнинг асл фарзанди Илёс Урозов серқўёш Узбекистонига, ўз қадрдон қишлоғига, киндик қони тўқилган муқаддас маконга қайтиб кела олмади. Дала гулларининг хушбўй атри, тандирдан ҳозиргина узилган нон хидини туйиш, ҳали совиб улгурмаган сўт лаззатини тотиш, китлоғининг бетакрор тароватидан баҳра олиш қайта насиб этмади унга. Оқ йўл тилаб қолган муштипар онасини, қариндош-уруғларини, ёру биродарларини яна бир бор бағрига боса олмади. У халқимизнинг тинчлигига, бахт-саодати учун бўлган даҳшатли жангларнинг сўнгига, галаба нафаси эса бошлаган баҳор кўнлариди қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Илёс Урозов жасорати муносиб тақдирланди. Унга ўлиминдан сўнг, 1945 йилнинг 25 мартда Қаҳрамонлик унвони берилди. 23 ёшида шахид кетган бу дўворак баҳодирнинг шон-шўхрати асло сўнмагач. Унинг номи мангуликка йўрилган. Илёс Урозов туғилиб ўсган Тошкент вилоти Янгийўл туманидаги «Эски қовунчи» жамоа хўжалиги аъзолари қаҳрамон юрдоши билан ҳақли равишда фахрландилар. Хўжалиқда унинг руҳини шод этиш ниятида қатор савобли тadbирлар амалга оширилган. Қаҳрамон туғилиб ўсган мақалла, кўча, таълим олган 34 мактабга унинг номи берилган. Мактаб ҳовлисида бюсти ўрнатилган.

Ҳа, жангқорларда ҳалок бўлган узбекистонликлар хотирасини қанча ёд этсак, шунча оз. Зеро, юртбошимиз айтганлариди: «Марҳумлар хотирасини эслаш, эъзозлаш — савоб иш»дир.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ.

# ҲАР БИРИ РУСТАМИ ДОСТОНГА ТАТИР

Шу йил 1 май кўни қоракўлпостгонликлар узларининг энг охириг унвонли уруш қаҳрамони Иноят Наврузбоевни сунгги йўлга кузатиб қўйдилар. Бир неча кўн аввал «Нуроний» жамгармаси Қоракўлпостгон бўлими, Эллиққалъа тумани ҳўқимлиги, матбуот вакиллари Амророб қишлоғига ташриф буюриб, отахонини зиёрат этган эдилар. Иноят ога биргина жангга қўролдош дуслари кўмағида 375 душманни қириб ташлаган, 89 нафар ёвни асир олган, 89 йиллик умри давомида не не савоб ишларга урилган қадок қўлларини дуога очиб, «Илоийм, мен урушининг энг сунгги қаҳрамони бўлай. Бугун мустақиллик ҳавосидан нафас олаётган невараларим, чебараларим фақат меҳнат соҳасида тер тукиб қаҳрамон бўлсинлар, элимизнинг пешонасига битган азиз Президентимиз Ислам Каримовнинг умрини Аллоҳ узун қилсин, унга ва юртимизга қасд қилганлар қўдир эганининг қаҳрига урасин, қазиган чоҳларига узлари тушин, утганлар хотирасини эъзоз-

лаётган мамлакатимиз дунё турғунчиқа озод ҳамда обод бўлсин!» — деб тилак билдириган эди.

Иноят Наврузбоев дехқон оиласида таваллуд топганди. Болалигидан бошлаб нордон ҳаётнинг аччиқ, тахир сувларидан тотди, йўқчилик захматларини бошдан кечирди.

1941 йилда И. Наврузбоев инсоният тақдирига тумшўқ урган қалхат — фашизмга қарши курашга отланиб, Урта Осиё ҳарбий округида таркиб топган 86-сон ўқчилар полки тасарруфига киритилди. Ана шу ҳарбий бўлинмадан Иноят ботирнинг узоқ, оғир, машаққатли жанговар йўли ибтидо олади. Дастлаб Калинин фронтинидаги беомон жангларда тобланди. Аммо амророблик азаматининг маҳрд жанчи сифатида шаклланиши 2-Украина fronti билан боғлиқдир.

1943 йилнинг 2 октябри, Черкас вилоятининг шу номдаги тумани ҳудудида, Крешчатик қишлоғида, Днепр дарёсидидаг кечувда душман билан қаҳшатқич олишув бўлди. Бу жанг Иккинчи жаҳон уруви солнамасида алоҳида урин тутади. Чунки Иноят ва унинг қўролдошла-

ри бу кечувда унлаб фашистарни ер тишлатди, улани гурос-гурос асирга олди, бир неча ур отиш нукталари, жанговар техникасини йўқ қилди. Бу ва бу қабат қатор жангларда курсаатган беқўс мардлиги учун 1944 йилнинг 22 февралда унга Қаҳрамон унвони берилди.

И. Наврузбоев урушдан сунг Тўртқўл туман ҳарбий ишлар бошқармасида йуриқ-

Оролбуйилик мард йигитлардан Урозбой Жуманиёзов, Мақаш Балмағамбетов, Иноят Наврузбоев Днепрни, Н. Сараев Деснани кечгани, Жуман Қоракўлоу Александр Матросов жасоратини такоррлагани, Плис Нурелсов жанговар парвозлари, М. Булатов, Б. Бобоев, И. Ваннифатов, Д. Вернадский, Ж. Колдикораев, М. Махорин, А. Пшичулин, А. Симанов, Б. Тихомолов, А. Трашков, Ф. Чепурилар турли фронтлардаги мардлиги учун Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган эдилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларда Қоракўлпостгон аҳолиси 476 миң нафардан иборат эди. Улардан 66 миң азамат жанг майдонларига отланди, 29 миң нафарининг қарблари Европа замининда қолди. Қайтиб келганлардан анчаси ҳозир орамизда йўқ. Узбекистон ва Қоракўлпостгон халқ шоири Ибройим Юсулов ёзгандай:

Қайтган-қайтмагани ҳаммаси ботир. Ҳар бири Рустамдай достонга татир.

Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси, раҳнамолиги остида мамлакатимиз пойтахтида барпо этилган Хотира майдони ана шу достонлар гулдastasи бўлиб,

у ерда Қоракўлпостгон Республикасига алоҳида айвон ажратилган. У ердаги мармар қитобага турткулик, берунийлик, эллиққалъалик, амударёлик, хўжайиллик, шуманайлик, қанглиқуллик, қўнгиротлик, нуқуллик, кегайиллик, чимбойлик, қоруазақлик, тахтақуллик, бузатовлик ва мўйноклик мардларнинг муборак номилари ёзилган.

Дарвоқе, Қоракўлпостгондан Қўйи Амударё водисидан иккинчи жаҳон урушига кетган жангчиларнинг деярлик ҳаммаси Мўйнок шаҳридаги қўрқаздан, кемада жўнатилган эди. Эндилкида Орол денгизи бу қўрқаздан бир неча ун чақиримча нарига кетган. Ҳозир шу ерда урушда ҳалок бўлганлар хотирасига обида тикланган.

Халқимизнинг тилаги битта: Орол денгизи уз узанига, уша қўрғазга қайтиб келинму уруш қайтарилмас тарих, қайтган ва қайтмаган ботирлар ҳақидаги эсдаликлар эса нуқди хотиралигига қолсин!

Ялпобой ҚўЧҚОРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

# КЕНИГСБЕРГНИ ОЗОД ҚИЛГАНДИ

Қоратепалик уруш фахрийси, истеъфодаги капитан Каримжон ота уруш воқеаларини хотирлар экан, шиддатли жангдаги бир лавҳани айтиб берди.

«Кенигсбергнинг фашистлардан тозалаш учун қонли жанг бораётган эди. Истеҳкомга мустаҳкам ўрнашиб олган душман пулемётлардан ўк ёғдириб, пиддаларни олға юришга сира имкон бермасди. Бизнинг отрядда биттагина артиллерия бор эди, ҳолок. Командир мени чақириб душман истеҳкомини вайрон қилишни буюрди. Тўрт ўзбек йигити артиллерияни ўрмон қиргоғидан очикроқ жойга олиб чиқдик. Шерикларим ҳам жангларда тўплардан ўк узавериб, кўзи пешанга қалди. Мен уларга етакчилик қилардим. Фашист истеҳкомини аниқ нишонга олдик. Замбаракдан устма-уст отилган ўқлар душман истеҳкомининг кулини кўкка совурди. Пиддаларнинг олға садоси жанг майдонини ларзага келтирди. Шаҳар озод қилинган, дивизия командири кўксимизга биринчи даражали Шухрат орденини тақиб қўйди.»

Ҳа, Каримжон Холиков 1944–1945 йиллардаги қиргин-барот урушда фаол қатнашиб, жасорат намуналарини қўрсатди. Галабадан сўнг, уни чегара қўшинларига жўнатишди. Қрим–Туркия чегарасида 6 йил йигитлик бурчинини ўтади. Жасур аскарга капитан унвонини беришди. Каримжон 1950 йили армиядан Қоратепа қишлоғига қайтиб

келди. Бутун умр бўйи ўқитувчиликни орзу қилган йигит олийгоҳга кириш учун пухта ҳозирлик қўрди. 1951 йили Самарқанд давлат университетининг тарих факультетида ўқиниши кирди. Беш йил ўқиб, олий маълумот олди. Қоратепа қишлоғидаги 23-, 32-мактабларда муаллим, илмий бўлим мудирини, кейинчалик мактаб директори лавозимларида ишлади. Таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун К. Холиковга 1981 йили «Республикада хизмат қўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берилди. Сабр, бардошли ўқитувчи 45 йиллик меҳнат фаолиятидан сўнг нафақага чиқди. Ҳозир у 7 нафар фарзанд ва 21 нафар невараларнинг отахони, кексалик гаптинини сурмоқда.

Карим ака фарзандларини ҳам ўзи-га ўхшаш меҳнатсевар, одобли, дилқаш этиб тарбиялади. Унинг беш нафар қизлари ота изидан бориб, муаллимлик касбини танлашди. Эйтибор-хон, Насиба, Соҳиба мактабларда ўқитувчилик қилаётирлар. Уғил ва қўявлари жамоа хўжалиғида меҳнат билан банд.

«Нуроний» жамгармаси Езёнов туман бўлими ва Охунбобоев номи жамоа хўжалиғи раҳбарлар 9 май — Хотира ва Қадрлаш кўни олқидан уруш фахрийси, капитан К. Холиковни йўқлаб, унга узоқ умр, соғлиқ тилашди.

Раҳимжон МЕЛИБОВЕВ.

